



## ЖАЗОНИ ИЖРО ЭТИШ МУАССАСАЛАРИДА МАҲКУМЛАРНИНГ ҲУҚУҚЛАРИНИНГ ТАЪМИНЛАНИШИ

Усмонов Дониёр Махмудович

Ўзбекистон Республикаси ИИБ Академияси жиноят ҳуқуқи  
кафедраси доценти, ю.ф.б.ф.д. (PhD), доцент  
<https://www.doi.org/10.5281/zenodo.10528078>

### ARTICLE INFO

Received: 11<sup>th</sup> January 2024

Accepted: 17<sup>th</sup> January 2024

Online: 18<sup>th</sup> January 2024

### KEY WORDS

Маҳкумларнинг ҳуқуқий ҳолати, жазони ижро этиш муассасаси, жазони ўтаётган шахсларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари.

### ABSTRACT

Муаллиф мазкур мақолада маҳкумларнинг ҳуқуқий ҳолатига таъриф берган, жазони ўтаётган шахсларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини санаб ўтган. Шунингдек, муаллиф маҳкумларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини таъминлашда жазони ижро этиш муассасаларининг давлат органлари ва бошқа ташкилотлар билан самарали ҳамкорлик олиб боришини билдирган.

Ўзбекистонда инсон ҳуқуқларини таъминланишига алоҳида эътибор қаратиб келинмоқда. Хусусан Ўзбекистон Конституциясининг 13-моддасига асосан Ўзбекистон Республикасида демократия умуминсоний принципларга асосланади, уларга кўра инсон, унинг ҳаёти, эркинлиги, шаъни, қадр-қиммати ва бошқа дахлсиз ҳуқуқлари олий қадрият ҳисобланади. Демократик ҳуқуқ ва эркинликлар Конституция ва қонунлар билан ҳимоя қилинади. Мазкур Конституциянинг 26-моддасига мувофиқ эса инсоннинг шаъни ва қадр-қиммати дахлсиздир. Ҳеч нарса уларни камситиш учун асос бўлиши мумкин эмас. Ҳеч ким қийноққа солиниши, зўравонликка, бошқа шафқатсиз, ғайриинсоний ёки инсон қадр-қимматини камситувчи муомалага ёхуд жазога дучор этилиши мумкин эмас [1].

Юртбошимиз Ш.М.Мирзиёевнинг 2020 йил 29 декабрдаги Олий Мажлисга Мурожаатномасида тезкор-қидирув, тергов ва жазони ижро этиш соҳасида қийноқларнинг олдини олиш тизимини тубдан такомиллаштириш зарурлиги билдирилди [2]. Шунга асосан Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсман)га ҳар чоракда жамоатчилик вакиллари билан биргаликда тергов изолятори ва жазони ўташ муассасаларига «мониторинг ташрифлари» тизимини амалга ошириш чораларини кўриш белгиланди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 2 апрелдаги “Ички ишлар органларининг жамоат хавфсизлигини таъминлаш ва жиноятчиликка қарши курашиш соҳасидаги фаолиятини янада такомиллаштириш бўйича қўшимча ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида”ги 5050-сон қарорининг 2-илоvasи билан тасдиқланган низомда ИИБ ҳузуридаги Жазони ижро этиш департаментининг маҳкумлар ва қамоққа олинган шахсларнинг ҳуқуқлари ҳамда қонуний манфаатларига риоя қилиш масалалари бўйича



Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (Омбудсман), Ўзбекистон Республикаси Президентининг тадбиркорлик субъектлари ҳуқуқлари ҳамда қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича вакили, Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази, шу билан бирга, бошқа ташкилотлар билан ҳамкорликни амалга ошириш ҳуқуқи назарда тутилган [3].

Маҳкумларнинг ҳуқуқий ҳолатини қонун даражасида белгилаб олиниши алоҳида аҳамиятга эга. *Биринчидан*, маҳкумнинг ҳуқуқий ҳолатини белгилаб берса, *иккинчидан*, уларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш учун ҳам зарур бўлиб ҳисобланади. Амалдаги Жиноят-ижроия кодекси қабул қилингунга қадар маҳкумларнинг ҳуқуқий мақоми қонуннинг бир моддасида кўрсатилган бўлса, эндиликда алоҳида боб билан мустақамланди ва у олтига моддани ташкил этади [4, 251-б.].

Шахснинг ҳуқуқий ҳолати деганда фуқаронинг ҳуқуқ субъекти сифатида давлат томонидан тан олиниши, унинг ҳуқуқлари, мажбуриятлари ҳамда қонуний манфаатларининг қонун билан таъминланиши ва кафолатланиши тушунилади, бинобарин, маҳкумларнинг ҳуқуқий ҳолатини белгилаб олишда асосий омил бўлиб хизмат қилади.

*Маҳкумларнинг ҳуқуқий ҳолати* – бу жазони ижро этишда вужудга келадиган жазонинг тури, мақсади ва маҳкумнинг хулқи билан боғлиқ бўлган, асосий фуқаролик махсус ҳуқуқ, шунингдек, мажбуриятлар йиғиндисидан иборатдир.

Давлатимизнинг амалдаги ЖИК 8-13-моддаларида назарда тутилган маҳкумларнинг ҳуқуқий ҳолати, яъни ҳуқуқ ва мажбуриятлари Бирлашган Миллатлар Ташкилоти томонидан 1955 йил 30 августда ва 1990 йил 14 декабрда қабул қилинган «Маҳбуслар<sup>1</sup> билан муомила қилишнинг минимал стандарт қоидалари»нинг 6, 35-36-моддалари, «Маҳбуслар билан муомила қилишнинг асосий принциплари»нинг 5-моддаси мазмунига тўла мос тушади.

Жазони ижро этишда маҳкумларга давлатимиз фуқароларига бериладиган ҳуқуқ, шунингдек эркинликлар кафолатланади. Уларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари жиноят-ижроия қонунчилигида белгиланганидан ортиқча даражада чекланишига йўл қўйилмайди. Жумладан 2019 йил 25 июнда қабул қилинган Ўзбекистон Сайлов кодексининг 5-моддасига мувофиқ суднинг айблов ҳукми билан озодликдан маҳрум этиш жойларида сақланаётган шахслар сайланиши мумкин эмас. Оғир ҳамда ўта оғир жиноятлар содир этганлиги учун суднинг айблов ҳукми билан озодликдан маҳрум этиш жойларида сақланаётган шахслар сайловда иштирок этмайди [5]. Мазкур қонуннинг мазмунига кўра ижтимоий хавфи катта бўлмаган ёки унча оғир бўлмаган жиноятларни содир этганлиги учун озодликдан маҳрум этиш жазосини ўтаётган маҳкумлар эса сайловда иштирок этади.

Маҳкумлар, амалдаги Жиноят-ижроия кодекси ва бошқа қонунларда белгиланган истисно ҳамда чеклашлар инобатга олинган ҳолда, Ўзбекистон фуқаролари учун назарда тутилган ҳуқуқларга эга бўладилар, шунингдек мажбуриятларни бажарадилар.

<sup>1</sup> Изоҳ: Халқаро норматив ҳужжатларнинг ўзбек тилидаги таржималарида “маҳбус” сўзи ишлатилган бўлиб, ушбу сўз аксарият ҳолларда суднинг ҳукми қонуний кучга киргунга қадар сақланаётган шахсларга нисбатан халқаро миқёсда қўлланилган.



Чет эл фуқаролари ҳамда фуқаролиги бўлмаган маҳкумлар Ўзбекистоннинг халқаро шартномалари ва қонунчилигида белгиланган мажбуриятларга эга, шунингдек ушбу қонунчилик ҳужжатларида кўрсатилган ҳуқуқлардан фойдаланадилар. Таъкидлаш лозимки, илгари амалда бўлган қонунларга кўра, маҳкумларнинг ҳуқуқий ҳолати фақат қонунда назарда тутилган чеклашларнигина эмас, балки суд ҳукми ва жазони ўташ режимидан келиб чиқадиган чеклашларни ҳисобга олиб белгиланган.

Маҳкумларнинг ҳуқуқлари ва мажбуриятлари муайян жазо турини ижро этиш тартиби ҳамда шартларидан келиб чиққан ҳолда белгиланади.

Маҳкумларнинг ҳуқуқлари қуйидагилардан иборат:

- жазони ўташ тартиби ҳамда шартлари, шу билан бирга ўз ҳуқуқлари ва мажбуриятлари ҳақида маълумот олиш;
- жазони ижро этиш муассасаси ёки орган маъмуриятига, бошқа давлат идоралари ва жамоат бирлашмаларига ўз она тилида ёки бошқа тилда ариза, таклиф, шунингдек шикоятлар билан мурожаат этиш;
- ўз ариза, таклиф ҳамда шикоятларига мурожаат этилган тилда жавоб олиш. Мурожаат этилган тилда жавоб беришнинг иложи бўлмаган тақдирда жавоб давлат тилида берилади;
- ёзишмалар олиб бориш ҳамда тушунтириш бериш, зарур ҳолларда таржимоннинг, шу жумладан сурдотаржимоннинг хизматидан фойдаланиш;
- бадий, ўқув ҳамда бошқа хил ахборот материалларидан фойдаланиш;
- соғлиғини сақлаш, шу жумладан тиббий хулосага кўра стационар ва амбулатория-поликлиника шароитда тиббий ёрдам олиш;
- ижтимоий таъминот, шу жумладан қонунчиликка мувофиқ пенсия олиш (ЖИК 9-м.);
- об-ҳаво шароити йўл қўйса, ишдан бўш вақтида тоза ҳавода жисмоний машқлар билан шуғулланиш;
- психологик хизмат кўрсатиш ходимлари томонидан жазони ижро этиш муассасасида кўрсатиладиган психологик ёрдамни олиш;
- меҳнат тўғрисидаги қонунчиликка мувофиқ дам олиш, таътилга чиқиш, хавфсиз меҳнат шароитига эга бўлиш, шунингдек меҳнатига ҳақ тўланиши.

Хулоса қилиб, жазони ижро этиш муассасаларида жазони ўтаётган маҳкумларнинг ҳуқуқлари ҳамда қонуний манфаатларининг амалга оширилиши уларнинг ахлоқан тузалишига, шунингдек жазонинг самарадорлигини эришилишига сабаб бўлади.

Бу борада ИИБ ҳузуридаги Жазони ижро этиш департаменти жазони ижро этиш муассасаларида жазо муддатини ўтаётган маҳкумларнинг ҳуқуқлари ҳамда қонуний манфаатларига риоя қилиш масалалари бўйича Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (Омбудсман), Ўзбекистон Республикаси Президентининг тадбиркорлик субъектлари ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича вакили, Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази, шунингдек, бошқа ташкилотлар билан самарали ҳамкорликни олиб бориши мақсадга мувофиқдир.

## References:



1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси // <https://lex.uz/docs/6445145> (Электрон манбага мурожаат қилинган вақт: 31.10.2023).
2. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси // <https://president.uz/uz/lists/view/4057> (Электрон манбага мурожаат қилинган вақт: 31.10.2023).
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 2 апрелдаги “Ички ишлар органларининг жамоат хавфсизлигини таъминлаш ва жиноятчиликка қарши курашиш соҳасидаги фаолиятини янада такомиллаштириш бўйича қўшимча ташкилий чоратадбирлар тўғрисида”ги 5050-сон қарори // Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 02.04.2021 й., 07/21/5050/0280-сон.
4. Убайдуллаев З.С., Юлдашев М.Ш. Жиноий жазони ижро этиш тизимини ислоҳ қилишнинг долзарб масалалари // Жамоат хавфсизлигини таъминлаш ва жиноятчиликка қарши курашнинг назарий-амалий муаммолари . – Т., 2006.
5. Ўзбекистон Республикасининг Сайлов кодекси // <https://lex.uz/acts/4386848> (Электрон манбага мурожаат қилинган вақт: 31.10.2023).